



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> "ZIOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари	78
<b>Ibragim Xudayarovich Nimatov</b> Zamonaviy turizmda motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili	82
<b>Sarvinoz Ashurova</b> The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan	87
<b>Собир Худойбердиевич Махмудов</b> Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш	92
<b>Шахноза Шомуротовна Тошпулатова</b> Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари	97
<b>Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova</b> O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi	100
<b>Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova</b> O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari	104
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили	107
<b>Фарух Тохирович Шукуров</b> Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари	112
<b>Akmal Odilovich Odilov</b> Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining	115
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш	118
<b>Хасан Абдусаидович Рахимов</b> Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари	121
<b>Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова</b> Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси	127
<b>Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари	132
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Шахноза Сайдуллаевна Музрапова</b> Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	137
<b>Обид Мамаюнович Пардаев</b> Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари	142
<b>Saida Azatovna Sheraliyeva</b> Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish	147

# ИНВЕСТИЦИЯ

Шаҳноза Сайдуллаевна Музрапова – ТДИУ “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси  
мустақил изланувчиси

## ИНВЕСТИЦИОН МУЛК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада акциядорлик жамиятларида инвестицион мулк ҳисобини 40-сон БҲХС “Инвестицион кўчмас мулк” номли халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, бухгалтерия ўтказмаларида акс эттириш ва молиявий ҳисоботнинг тегишли моддаларида акс эттириш жиҳатлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, активлар, узоқ муддатли активлар, асосий воситалар, инвестицион мулк, ер, бино, молиявий ҳисобот.

**Кириш.** Республикамиз акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлар асосида ташкил этилиб, уни халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Бу эса, акциядорлик жамиятлари учун молиявий ҳисоботни халқаро стандарт асосида тузиш учун ишончли ва шаффоф маълумотлар шакллантириш учун асос бўлишига қийинчилик туғдирмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчи корхоналар ўз фаолиятини халқаро стандартлар асосида юритиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори[1]и билан юритишни йўлга қўйишни мақсад қилиб белгилайди.

Акциядорлик жамиятларида узоқ муддатли активлар таркибида асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар билан бир қаторда асосий воситалардан фарқли равишда инвестицион мулк ҳам киритилади. Инвестицион мулк узоқ муддатли иқтисодий мақсадларга эришиш ва унинг қийматини ошириш учун компания томонидан инвестиция қилинган активдир. Инвестицион мулкни самарали ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг зарурий шартидир.

Инвестицион мулк дейилганда ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматини ошириш, ёки иккала мақсадни кўзлаб эгалликда бўлган (мулкдор ёки ижарага олувчининг фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги актив сифатида) кўчмас мулк бўлиб, у товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришда, хизматлар кўрсатишда, маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун, оддий фаолият давомида сотиш учун мўлжалланмаган актив тушунилади[9].

Шундан кўришимиз мумкинки, инвестицион мулкнинг асосий мақсади ижарага бериш фаолияти билан амалга оширилади.

Инвестицион мулк бизнинг амалиётимизда асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади ҳамда ижарага олинган ер ва бино бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда эса, инвестицион мулк узоқ муддатли активлар таркибида алоҳида бандда инвестицион мулк сифатида ҳисобга олинади.

Шу сабабли, инвестицион мулк ҳисобини халқаро стандартлар асосида ҳисобга олиш учун унинг таркибий қисмлари сифатида ижарага бериш учун мўлжалланган ер ва бино бўлиб ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Рус иқтисодчи олими В.Г.Белоліпецкий фикрича, корхона активлари 4 та гуруҳга бўлинади:

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига жорий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ активлар;
2. Биринчи гуруҳдаги активларни турли хил рисклардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган активлар;
3. Бизнесни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган инвестицион активлар;
4. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати билан бевосита алоқадор бўлмаган активлар [9].

А.Н. Азрилян фикрича: Инвестицион мулк – узок муддатли инвестиция сифатида мавжуд, даромад келтирувчи мулк деб таъриф беришган[10].

А.Н.Тўраев, фикрича: Инвестицион мулк дейилганда ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматини ошириш, ёки иккала мақсадни кўзлаб эгаликда бўлган (мулкдор ёки ижарага олувчининг фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги актив сифатида) кўчмас мулк бўлиб, у товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришда, хизматлар кўрсатишда, маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун, шунингдек, оддий фаолият давомида сотиш учун мўлжалланмаган актив тушунилади[11].

Юқорида олимлар келтирилган таърифларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: «Инвестицион мулк – бу кўчмас мулк бўлиб, қисқа муддатли ижарага бериш мақсадида маъмурий ёки ишлаб чиқариш, савдо мақсадида фойдаланиш мукин бўлган ер ва бинодир».

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, функционал ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, прогнозлаш, мантикий хулосалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Акциядорлик жамиятлари бугунги кунда молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиб келмоқда. Бу эса, кадрлар сифатини янада ошириш, халқаро сертификатга эга бўлган кадрлар даражасини ошириш, бухгалтерия дастурларидан кенг фойдаланишни талаб қилади.

Инвестицион мулк, асосан кўчмас мулк бўлиб ҳисобланади. Амалиётда кўчмас мулк асосан ер, бино, ер ва бино ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида активлар таркиби узок муддатли ва жорий активлар бўлиб, асосий воситалар таркибидан алоҳида қилиб ер ва бинони ижарага бериш мақсадида инвестицион мулк сифатида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Бу эса, инвестицион мулк сифатида ижарага бериш мақсадида алоҳида модда сифатида ҳисобга олишни тақозо этади. Инвестицион мулк билан асосий воситаларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, хизмат қилиш мақсадида қараб фарқланишини 1-жадвалда келтириб ўтамиз:

1-жадвал

**Инвестицион мулк ва асосий воситаларнинг бир-биридан фарқланиши**

Асосий воситалар	Ишлаб чиқариш	Хизмат кўрсатиш	Маъмурий	Оператив ижара	Тартибга солувчи халқаро стандартлар
Ер	+	+	+	Инвестицион мулк	40-БҲҲС
Бино	+	+	+		40-БҲҲС
Машина ва ускуналар	+	+	+	+	16-БҲҲС
Мебел ва офис жиҳозлари	+	+	+	+	16-БҲҲС
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	+	+	+	+	16-БҲҲС
Транспорт воситалари	+	+	+	+	16-БҲҲС
Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	+	+	+	+	16-БҲҲС
Кўп йиллик ўсимликлар	+	+	+	+	16-БҲҲС
Бошқа асосий воситалар	+	+	+	+	16-БҲҲС

Муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, асосий воситаларнинг ҳаммаси ҳам инвестицион мулк бўла олмайди, ер ва бино инвестицион мулк сифатида қаралади, қолган активлар эса асосий воситалар сифатида ҳисобга олинади.

Қуйидагилар инвестицион мулкга мисол бўлади:

- одатдаги фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун эмас, балки узок муддатда капиталнинг қиймати ошиши мақсадида тутиб туриладиган ер.

- келгуси фойдаланиш мақсади белгиланмаган ер.

- ташкилотнинг ўз мулкида бўлган ва бир ёки ундан ортиқ оператив ижара шартномаси асосида ижарага берилган бино.

- бўш турган, аммо бир ёки ундан ортиқ оператив ижара шартномаси асосида

ижарага беришга мўлжалланган бино.

- келгусида инвестицион мулк сифатида фойдаланиш учун курилатган ёки такомиллаштирилатган кўчмас мулк.

Инвестицион мулк келгуси иқтисодий нафлар келтириши эҳтимоли мавжуд бўлганда ва унинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлганда тан олинади.

Инвестицион мулкни тан олишда ҳисоб бирлигини аниқлаш мулоҳаза юритишни талаб этади. Алоҳида компонент муҳимлиги жиҳатидан алоҳида ёки жамланган тарзда ҳисобга олиниши мумкин.

Инвестицион мулк асосан, корхонанинг қолган бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлмаган пул маблағларини жамғариб беради.

16-сон МҲХС “Ижара”[8]га мувофиқ, ер ва бино ижара мақсадларида алоҳида ҳисобга олиниши белгиланган. Агар ижарачи ушбу объектларни инвестицион мулки сифатида тан олса ва ҳаққоний қиймат моделини танласа, уларни ягона ҳисоб бирлиги тарзида акс эттиради.

Инвестицион мулк бухгалтерия ҳисобида бошланғич қиймати ва ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинади. Инвестицион мулк бошланғич қиймат модели бўйича унга эскириш ҳисобланади, аммо ҳаққоний қиймат модели бўйича эскириш ҳисобланмайди.

Бошланғич қиймат бўйича худди асосий воситалар ҳисоби билан бир хил ҳисобга олинади, аммо ҳаққоний қиймат бўйича фарқ қилади ва унинг ҳисобга олиниш тартиби бўйича фарқли 2-жадвалда келтирамиз.

**2-жадвал**

**Ҳаққоний қиймат бўйича асосий воситалар ва инвестицион мулкнинг фарқли жиҳатлари**

Асосий воситалар	Инвестицион мулк	Фарқли жиҳатлари
Қайта баҳолаш мунтазам равишда	Ҳар бир ҳисобот санасига	Асосий воситалар қиймати ҳар ойда бозор қиймати ўзгариб туради, инвестицион мулк эса ижара мақсадида ҳисобга олинади
Резерв капиталига	Фойда ва зарарга	Асосий воситалар қайта баҳоланса молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг капитал бўлимидаги резерв капиталида, инвестицион мулк эса фойда ёки зарар сифатида акс эттирилади
Эскириш ҳисобланади	Эскириш ҳисобланмайди	Инвестицион мулк ўз қийматини камайтирмайди, асосий воситалар эса эскириш қийматига бошланғич қиймати ўзгаради.

Муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, инвестицион мулк ва асосий воситалар ҳаққоний қиймати бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади ҳамда ҳисоби алоҳида юритилади.

Ташкилот инвестицион мулкга нисбатан ўзининг ҳисоб сиёсати сифатида ҳаққоний қиймат моделини ёки бошланғич қиймат моделини танлаши мумкин. Ташкилот ушбу ҳисоб сиёсатини ўзининг барча инвестицион мулкга нисбатан қўллаши талаб этилади.

Дастлабки тан олишдан кейин бошланғич қиймат моделини танлаган ташкилот инвестицион мулкни қуйидагиларга мувофиқ баҳолаши лозим:

- агар у сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилса) актив сифатида таснифлаш мезонига мос келса, 5-сон МҲХС “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият” [7]га мувофиқ;

- агар ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган ва 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланмаган бўлса, 16-сон МҲХСга мувофиқ;

- бошқа барча ҳолатларда бошланғич қиймат модели бўйича 16-сон БҲХСдаги талабларга мувофиқ.

13-сон МҲХС[6]га мувофиқ ҳаққоний қиймат – бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх ҳисобланади.

Корхона олдин бошланғич қиймат бўйича баҳоланган қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имкони бўлиши билан, у ушбу кўчмас мулкни ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг активлар қисмининг «Узоқ муддатли активлар» бўлимининг сатрлари қаторига алоҳида «Инвестицион мулк» сатрини киритиш мақсадга мувофиқ ва бунинг натижасида корхона томонидан асосий воситалар ва инвестицион мулкнинг бир-биридан фарқланишини акс эттиришга ҳамда ҳисобда алоҳида ҳисобга олиш имконини беради (3-жадвал).

3-жадвал

**Инвестицион мулкни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш тартиби**

Кўрсаткичлар	Сатр коди
Активлар	
Узоқ муддатли активлар	
Асосий воситалар	010
Инвестицион мулк	013
Биологик актив	014
Номоддий активлар	020
Гудвилл	023
Узоқ муддатли инвестициялар	030
Кечиктирилган солиқ активлари	121
Жами узоқ муддатли активлар	130

Муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, асосий воситалар таркибидан алоҳида қилиб инвестицион мулкни кўрсатиш, биринчи навбатда хорижий инвесторлар учун ҳисоботда унинг фарқланишини кўриш имкониятига, иккинчи навбатда сумманинг фарқланишини кўриш имкониятига эришилади.

Инвестицион мулк хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Инвестицион мулкка узоқ муддатли инвестициялар компанияга ишлаб чиқариш қувватларини ва технологик жиҳозларини яхшилашга имкон беради, бу эса маҳсулот ёки хизматлар сифатининг ошишига ва уларнинг бозордаги рақобатбардош мавқеининг яхшиланишига олиб келади. Ўз навбатида, бизнес-жараёнлар самарадорлигини ошириш ва янги технологиялардан фойдаланиш харажатларни камайтириш ва акциядорлик жамиятининг умумий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, инвестицион мулк иқтисодиётда ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иш ўринлари яратиш, сармояларни жалб этиш ҳамда акциядорлик жамиятларининг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу ролни таҳлил қилиш ва ўрганиш инвестиция мулкнинг аҳамиятини яхшироқ тушунишга ва хўжалик юритувчи субъектларда мулкни самарали бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бизга маълумки, акциядорлик жамиятларида асосий воситалар узоқ муддатли активлар бўлиб, унинг таркибида асосий воситалар алоҳида гуруҳланади ҳамда асосий воситалар таркибидан алоҳида қилиб «Инвестицион мулк»ни ажратиш мақсадга мувофиқ.

Бу эса, акциядорлик жамиятларининг халқаро стандартлар асосида тузадиган молиявий ҳисоботининг «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»да узоқ муддатли активлар бўлимида асосий воситалар таркибидаги қисқа муддатли ижарага берилишга мўлжалланган ер ва бино инвестицион мулк бўлиб ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, инвестицион мулк бу узоқ муддатли актив бўлиб, асосий воситалардан фарқли равишда асосий мақсади ижарага бериш мақсадида ҳисобга олинади ҳамда 40-сонли БҲХС-«Инвестицион мулк» стандарти асосида тартибга солинади.

1. «Инвестицион мулк – бу кўчмас мулк бўлиб, қисқа муддатли ижарага бериш мақсадида маъмурий ёки ишлаб чиқариш, савдо мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган ер ва бинодир».

2. Кўчмас мулкни инвестицион мулк ва эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

3. Эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк бўлиб - ишлаб чиқариш, товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ва маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган 16-БХХС “Асосий воситалар” стандартига кўра ташкилотнинг ўз эгалигидаги мулк ва 16-МХХС “Ижара” стандартига кўра, фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарага олинган актив ҳисобланади.

4. Инвестицион мулкни узоқ муддатли активлар сифатида асосий воситаларда алоҳида инвестицион мулк моддасини ҳисобга олиш лозим, бу эса халқаро стандартлар асосида узоқ муддатли активлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш учун хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион мулкни балансга кирим қилишда дастлабки ва бошланғич қийматларда кирим қилинади, бу эса корхона ҳисоб сиёсатида белгиланади, аммо ҳаққоний қийматда дастлабки қийматда акс эттириш имкони бўлмайди, бу эса унинг қийматини баҳолашдаги фарқларни келтириш чиқаришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 507-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4966554>.
3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида» 61-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3400). <https://lex.uz/uz/docs/6312360>.
4. 40-сон «Инвестицион мулк» бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти.
5. 16-сон «Асосий воситалар» бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти.
6. 13-сон «Ҳаққоний қийматни баҳолаш» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.
7. 5-сон «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.
8. 16-сон «Ижара» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.
9. В.Г.Белолипецкий. Финансы фирмы. –М.: «ИНФРА-М», 1999. –С.298.
10. Азрилян А. Н. Большой экономический словарь.-М.:1999.
11. Д.Э.Норбеков, А.Н.Тўраев, Ш.Ш.Рахмонов. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2019. -332 б.
12. <http://www.ifrs.org/Pages/default.aspx>

<p><b>Ш.Музрапова</b>  <b>Особенности организации учета инвестиционной недвижимости</b></p>	<p><b>Sh.Muzrapova</b>  <b>Features of organization of accounting for investment property</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в статье раскрываются аспекты учета инвестиционной недвижимости в акционерных обществах на основе международного стандарта МСБУ 40 «Инвестиционная недвижимость», отражение в бухгалтерских трансфертах и отражение в соответствующих статьях финансовой отчетности.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> международные стандарты финансовой отчетности, активы, долгосрочные активы, основные средства, инвестиционная недвижимость, земля, здание, финансовая отчетность.</p>	<p><b>Abstract:</b> the article reveals aspects of accounting for investment property in joint-stock companies based on the international standard IAS 40 “Investment Property”, reflection in accounting transfers and reflection in the relevant items of financial statements.</p> <p><b>Keywords:</b> international financial reporting standards, assets, long-term assets, fixed assets, investment real estate, land, building, financial statements.</p>

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.